

«BUSINESS CENTRE SAMARKAND»  
Кушма корхонаси очик акциядорлик жамияти  
акциядорларининг навбатдаги умумий  
йигилиши томонидан  
2013 йил 25 июндаги  
1-сонли Басномаси билан  
«ТАСДИҚЛАНГАН»



**«BUSINESS CENTRE SAMARKAND» Кушма корхонаси очик  
акциядорлик жамияти  
Кузатувчи кенгаши  
НИЗОМИ**

- I. Умумий коидалар
- II. Кузатувчи кенгашнинг ваколатлари
- III. Кузатувчи кенгаш аъзоларини сайлаш ва тайинлаш
- IV. Кузатувчи кенгаш раиси
- V. Кузатувчи кенгаш мажлиси
- VI. Кузатувчи кенгаш аъзоларининг  
ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- VII. Кузатувчи кенгаш аъзоларининг  
жавобгарлиги

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низомда «BUSINESS CENTRE SAMARKAND» КК ОАЖ Кузатув кенгашини (кейинги ўринларда матнда "Кузатувчи кенгаш" деб юритилади) ташкил этиш ва унинг фаолият тартибини, аъзоларини сайлашни, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.
2. Кузатувчи кенгаш жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ва уставда фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.
3. Жамият Кузатувчи кенгашининг сон таркиби уставда ёки Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

**II. КУЗАТУВЧИ КЕНГАШНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

4. Кузатувчи кенгаш ваколатига қуйидагилар киради:
  - Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
  - Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишининг чақириш, «Конун»нинг 72-моддасининг 11 қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
  - акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
  - Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санасини белгилаш;
  - Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш учун жамият акциядорлари реестрини тузиш санасини белгилаш;
  - жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш масалаларини Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига киритиш, шунингдек аудиторлик текшириши ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига ҳақ тўлашнинг чекланган миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- «Конун»нинг 65-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва ўн иккинчи хатбошиларида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш;
- облигациялар ва қимматли қогозларни жойлаштириш;
- эълон қилинган акцияларнинг сони ва типлари доирасида акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш ёки жамият томонидан кўшимча акциялар жойлаштирилиши йўли билан жамият устав фонди миқдорини кўпайтириш;
- Акцияларни чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш ва эмиссия проспектини тасдиқлаш;
- «Конун»да назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қогозларни олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- Жамиятнинг Ижроя органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроя органидан Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
- Ижроя органига туланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- Жамият Тафтишчисига туланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматларига туланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;
- Акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тулаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Жамиятнинг бошқарув органлари фаолият тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;
- Жамиятнинг шўъба ва тобе жамиятларини ташкил этиш;
- «Конун»нинг VIII бўлимида назарда тутилган ҳолларда мол-мулкни олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга утказиш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш;
- агар битимлар тузишдан манфаатдорлик буладиган бўлса, «Конун»нинг IX бўлимида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш;
  - Ижроя органи раҳбарини тайинлаш (сайлаш);
  - жамиятнинг ижро этувчи органини тузиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва ҳоказолар), ижро этувчи органнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;
  - акциядорлик жамияти номидан ижро этувчи орган раҳбарини (бошқарув раисини, директорни) бир йил муддатга ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузиш;
  - ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш;
  - мол-мулкнинг бозор қийматини белгилаш;
  - агар жамиятнинг уставида жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш Кузатувчи кенгаш ваколатига тегишли бўлмаса ёки Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан унга топширилмаган бўлса, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йил учун бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечикмай Кузатувчи кенгаш мажлисида маъқулланиши
    - конунчилик ва Жамият Уставига мувофиқ Кузатув кенгаши ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этишга ҳақлидир.
    - акциядорлик жамиятининг бошқа ҳўжалик жамиятларида қатнашиши билан боғлиқ битишувларни тузиш;
    - йиллик йиллик бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисида жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбарининг ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш ҳамда яққа бошчилик қиладиган ижро этувчи орган томонидан қўпол бузишларга йўл қўйилганда ёки жамият йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган параметрларини бажариш барбод қилинганда улар билан тузилган шартномани муддатидан олдин бекор қилиш;

Жамият Кузатув кенгаши ваколатга киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига берилиши мумкин эмас.

### III. КУЗАТУВЧИ КЕНГАШ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ВА ТАЙИНЛАШ

5. Жамиятнинг Кузатувчи кенгаши раисини сайлаш қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда бир йил муддатга Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

6. Жамиятнинг Кузатувчи кенгаши аъзолари таркибига сайланган шахслар чекланмаган ҳолда қайта сайланишлари мумкин.

Кузатувчи кенгашнинг сайланган аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра;

7. Жамиятидаги давлат ишончли вакили, шунингдек давлат вакили лавозимига кўра акциядорлик жамияти Кузатувчи кенгаши аъзоси ҳисобланадилар, акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланмайдилар (қайта сайланмайдилар).

8. Жамият ижро этувчи органи аъзолари Кузатувчи кенгашга сайланиши мумкин эмас. Жамият Кузатувчи кенгаши аъзоларининг фаолиятини уларнинг ушбу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича фаолияти билан қўшиб олиб боришига йўл қўйилмайди.

Кузатувчи кенгашга қонунда назарда тутилган тартибда ушбу жамиятнинг акциядорлари ҳисобланмаган шахслар ҳам сайланиши мумкин.

9. Жамият Кузатувчи кенгаши таркибига сайлаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар устав ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

10. Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни тўлиқ бир номзодга беришга ёки уларни жамият Кузатувчи кенгаши аъзолигига бир неча номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

11. Овозларнинг энг кўп сонини олган номзодлар Кузатувчи кенгаш таркибига сайланган деб ҳисобланади.

11-1. Жамият Кузатувчи кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

11-2. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли бўлган овозлар сони жамиятнинг Кузатувчи кенгашига сайланиши керак бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарзда олинган овозларни тўлиқ бир номзодга беришга ёки овозларни икки ёки ундан кўп номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

### IV. КУЗАТУВЧИ КЕНГАШ РАИСИ

12. Жамият Кузатувчи кенгаши раиси, агар жамият уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, Кузатувчи кенгаш аъзолари томонидан унинг таркибидан Кузатувчи кенгашга сайланган (тайинланган) аъзолар умумий сонининг кўпчилилик овози билан сайланади.

13. Жамиятнинг Кузатувчи кенгаши ўз раисини Кузатувчи кенгаш аъзолари умумий сонининг кўпчилилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир, агар жамият уставида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса.

14. Жамиятнинг Кузатувчи кенгаши раиси, агар жамият уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, унинг ишини ташкил этади, Кузатувчи кенгаш мажлисларини чақиради ва унга раислик қилади, мажлисларда протокол юритилишини ташкил этади, Акциядорлар умумий йиғилишини очади ва унда раислик қилади.

15. Жамият Кузатувчи кенгашининг раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатувчи кенгаш аъзоларидан бири бажаради.

16. Кузатувчи кенгаш раиси, агар Кузатувчи кенгашнинг қарори билан ушбу ваколатлар бошқа шахсга юкланмаган бўлса, яқка бошчилиқ қилувчи ижро этувчи орган (директор) билан тузилган шартномаларни жамият номидан имзолайди.

## V. КУЗАТУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

17. Жамият Кузатувчи кенгашининг мажлиси Кузатувчи кенгаш раисининг ўз ташаббуси билан, Кузатувчи кенгаш, тафтиш комиссияси аъзоси, жамиятнинг ижро этувчи органи, шунингдек жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

Жамиятнинг уставида Кузатувчи кенгаш мажлисини чақириш ва уни ўтказиш тартиби белгиланади. Кузатувчи кенгаш мажлиси, қоидага кўра, йил чорагида камида бир марта тўланади.

18. Кузатувчи кенгаш йиғилишини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгиланади, лекин у Кузатувчи кенгаш сайланган (тайинланган) аъзолари умумий сонининг 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

19. Кузатувчи кенгаш аъзолари сони уставда назарда тутилган 75 фоиздан кам бўлиб қолган ҳолларда Кузатувчи кенгашнинг янги таркибини сайлаш учун жамият акциядорларнинг фавқулудда (навбатдан ташқари) Умумий йиғилишини чақиришга мажбурдир. Кузатувчи кенгашнинг қолган аъзолари фақат акциядорларнинг ана шундай фавқулудда (навбатдан ташқари) Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

20. Жамият Кузатувчи кенгаши мажлисидаги қарорлар, агар "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда ва жамият уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, мажлисда қатнашаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатувчи кенгаши мажлисида масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда Кузатувчи кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади.

21. Жамият Кузатувчи кенгаши бир аъзосининг овозни Кузатувчи кенгашнинг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

22. Жамият Кузатувчи кенгаши мажлисларида протокол юритилади. Кузатувчи кенгаш мажлисининг протоколи йиғилиш ўтказилгандан сўнг 10 кундан кечиктирилмай тузилади.

23. Мажлис протоколида:

уни ўтказиш жойи ва вақти;

мажлисда қатнашувчи шахслар;

мажлис кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш яқуни;

қабул қилинган қарорлар кўрсатилади.

24. Жамият Кузатувчи кенгаши мажлиси протоколи жамият Кузатувчи кенгашининг мажлисда қатнашаётган аъзолари томонидан имзоланади. Улар протоколнинг тўғрилиги учун жавоб берадилар.

## VI. КУЗАТУВЧИ КЕНГАШ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

25. Кузатувчи кенгаш аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатувчи кенгаш мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

Кузатувчи кенгаш қарорига кўра муайян даврда акциядорлик жамиятининг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;

Кузатувчи кенгашда ишлаганлик учун (агар тақдирлаш пули тўлаш жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши қароридан назарда тутилган бўлса), тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш.

Кузатувчи кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатувчи кенгаш раиси томонидан Кузатувчи кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатувчи кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори фаолият самарадорлигига қараб Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

26. Кузатувчи кенгашнинг жамият битишув тузишидан манфаатдор бўлган аъзоси ўз манфаатдорлиги тўғрисида Кузатувчи кенгашга битишув тузилиши пайтигача маълум қилиши шарт, битишув тўғрисидаги қарор эса Кузатувчи кенгаш томонидан, қонунда назарда тутилган

ҳолларда, тегишли равишда Кузатувчи кенгаш аъзолари ёки бундай манфаатдорлиги бўлмаган акциядорларнинг кўпчилик овози билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

27. Кузатувчи кенгаш аъзолари, агар улар, уларнинг эр-хотинлари, ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари, шунингдек уларнинг аффиляция қилинган барча шахслари:

бундай битишувнинг томонлари ҳисоблансалар ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашсалар;

битишувларнинг томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг йигирма ёки ундан кўп акциялари (улушлар, пайлари) фоизига эга бўлсалар:

битишув томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг бошқарув органларида лавозимни эгаллаб турган бўлсалар, шахсий манфаатдорликка эга ҳисобланадилар.

28. Кузатувчи кенгаш аъзолари Кузатувчи кенгаш томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

29. Кузатувчи кенгаш аъзолари акциядорлик жамияти имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, акциядорлик жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

30. Кузатувчи кенгаш аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек акциядорлик жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

## **VII. КУЗАТУВЧИ КЕНГАШ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

31. Жамият Кузатувчи кенгашининг аъзолари акциядорлик жамияти олдида қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки жамиятга зарар етказувчи қарорга қарши овоз берган жамият Кузатувчи кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

32. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг умуман олганда камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида Кузатувчи кенгаш аъзосига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ушбу ҳужжат Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланган.

2024 йили 15.05.2024 йили Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланган.

Ушбу ҳужжат Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланган.

2024 йили 15.05.2024 йили Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланган.

Ушбу ҳужжат Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланган.

2024 йили 15.05.2024 йили Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланган.

Ушбу ҳужжат Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланган.

УШБУ ҲУЖЖАТНИ ТАСДИҚЛАЙДИغان



Ушбу ҳужжат Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланган.

2024 йили 15.05.2024 йили Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланган.

Ушбу ҳужжат Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланган.

